



20 20 у « 30 » сентябрь

№ Қ-512

« ____ » _____ 20 ____ г

Жарқўрғон тумани “Сурхон” массиви “Меҳнатобод” маҳалласи ҳудудидан “SURXON-SAXRO-BURGUTI” МЧЖга енгил конструкцияли “Иссиқхона” қуриш, озуқабоп экинлари экиш ва чорва комплекси қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон қарорга асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/521-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 07 июлдаги 01-05/108-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/521-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Жарқўрғон тумани “Сурхон” массиви “Меҳнатобод” маҳалласи ҳудудидан “SURXON-SAXRO-BURGUTI” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 835-дала контуридаги жами 3,2 гектар, шундан 3,0 гектар яйлов ва 0,2 гектар ариқ ва зовурлар билан банд ер майдонлари, шундан 0,5 гектар яйлов ер майдонига енгил конструкцияли “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан, 2,0 гектар яйлов ер майдонига озуқабоп экинлари экиш учун ва 0,5 гектар яйлов ер майдонига чорва комплекси қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “SURXON-SAXRO-BURGUTI” МЧЖ бошлиғи Б.Қосимовга:

иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. “SURXON-SAXRO-BURGUTI” МЧЖ томонидан Чорва комплекси қурилиши учун 0,5 гектар яйлов ер майдони қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 6 692 430 (олти миллион олти юз тўқсон икки минг тўрт юз ўттиз) сўм давлат тўлов қоплама қиймати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилиши таъминлансин.

5. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Жарқўрғон тумани ҳокимлиги (З.Давлатов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов